



Ishonch

O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri // Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqqa boshlagan // www.ishonch-doverie.uz // e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Муносибат

Президентимизнинг “Бош мақсадимиз — мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислохотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдириш” деб номланган маърузаси кўламли, чуқур таҳлил ва таққосларга бойлиги билан барчада катта қизиқиш уйғотди. Жумладан, ушбу маъруза касабая уюшма фаоллари томонидан кенг ўрганилмоқда.

Бош мақсад — инсон манфаати

Ўзбекистон ҳар жабҳада изчил ривожланаётгани, дунё миқёсида юксак натижаларга эришяётгани, энг асосийси, яқин 10-15 йиллар ичида тараққийети юксак даражага кўтарилганига бўлган кўтаринки руҳ барчамизга қувонч бағишлабди.

Маърузада қайд этилганидек, 2015 йилда мамлакатимиз озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришгани учун мукофотланган 14 давлатдан бири сифатида эътироф этилди.

Бугун кўриб турибмизки, жаҳон таъриби ва мамлакатимизнинг ички имкониятларидан келиб чиқиб, амалга оширилган оқилона иқтисодий сиёсат халқимизни турли бўҳронлардан омон-эсон ва беталафот олиб ўтди. Туб ислохотларни ҳаёт-

га татбиқ этиш, халқ фаровонлигини янада юксалтириш, инсон омилига эътибор алал-оқибат ўз натижасини бераётди.

Давлатимиз раҳбарининг маърузасида эътибор қаратилган бир жиҳат ҳақида тўхталмоқчиман: “Биз учун асосий вазифа — ишлаб чиқаришни техник ва технологик жиҳатдан узлуқсиз янгилаб бориш, доимий равишда ички имконият ва захираларни излаб топиш, иқтисодиётда чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, sanoatni modernizatsiya va diversifikatsiya қилишни изчил давом эттиришдан иборат бўлиши зарур.

Айни шундай янги қараш ва ҳаракатлар бутун фаолиятимизнинг негизини ташкил этиши шарт”.

»(2).

Мафқуравий иммунитет

Ёшлар маънавияти учун масъулмиз

Баъзи кишилар ҳозирги ёшларни “кўп китоб ё газета ўқимасликда” айблашади. Аслида-чи? Бугунги ёшлар ҳар қачонгидан кўпроқ мурожаат билан шуғулланишмоқда. Фақат замонасига қараб, улар мобил телефон, интернет тизимида ёритаётган ахборотлар, ҳатто китобларнинг электрон вариантлари воситасида маърифий эҳтиёжларини қондиришмоқда.

Демак, биз журналистлар, умуман, барча ижодкорлар олдида янги-янги вазифалар кўндаланг бўлмоқда. Яъни, миллий интернет сайтларига жиддий эътибор қаратишимиз, уни ҳар томонлама ўқишли, хатолардан ҳоли, сермазун, миллий манфаатларимизга хизмат қиладиган даражада бўлишига эришимиз лозим.

Бугун лисонимизга “Ахборот-психологик хавфсизлик” ибораси кириб келди. Унинг моҳияти: четдан ахборот орқали қилинадиган таҳдид ва хуружлардан мамлакатимизни ҳимоя қилиш демакдир. “Глобаллашув”, “ахборот хуружи”, “мафқуравий иммунитет” деган сўз ва атамаларга ҳам шундай муносабатда бўлмоғимиз лозим.

Сўнгги йилларда “мафқуравий иммунитет” атамаси сиёсат ва мафқурага оид адабиётларда кенг қўлланилмоқда. Унда шахс, миллат, жамият, давлатни турли зарарли ғоявий таъсирлардан ҳимоя қилувчи ғоявий-назарий қадриятлар ўз ифодасини топади. Шу ўринда бир мулоҳаза. Биз бу мавзуда сўз юритишдан илгаридан, аввало, ишончли манбаларни ўқиб, ўрганишимиз мақсадга мувофиқдир.

»(3).

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик

Корхонада иш қизғин

Навоий вилояти Қизилтепа туманидаги “Бўстон чинниси” хусусий корхонасида тайёрланаётган маҳсулотлар юқори сифати ва бежирим дизайни билан харидорларга манзур бўлмоқда.



Айни пайтда қарийб 20 турдаги чинни буюмлар тайёрланаётган цехда қирққа яқин ишчи меҳнат қилмоқда. Бундан ташқари, корхонада симёғоч ва бошқа ускуналарга мўлжалланган электроизоляциялар ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилган.

ЎЗА фотомуҳбири Сирож АСЛОНОВ олган суратлар.

Раёсат йиғилиши

АХБОРОТ

Ўзбекистон касабая уюшмалари Федерацияси Кенгашининг навбатдаги Раёсат йиғилиши бўлиб ўтди. Уни Федерация Кенгаши раиси Нурбаева олиб борди.

Асосий эътибор “Ўзбекистон касабая уюшмалари Федерациясининг 2015 йил давомидаги фаолияти яқунлари ҳамда республикани 2016 йилда ривожлантиришнинг устувор йўналишларидан ва Ўзбекистон касабая уюшмалари Федерациясининг VII Курултойи қарорларидан келиб чиққан ҳолда касабая уюшмалари ташкилотларининг 2016 йилдаги вазифалари тўғрисида”ги масалага қаратилди.

Ўтган йилда республикада ялпи ички маҳсулот 8 фоизга ўсганлиги, жумладан, sanoat maхсулотлари ишлаб чиқариш 8, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари 6,8 ҳамда қурилиш-монтаж ишлари ҳажми эса 17,8 фоизга ўсганлиги алоҳида таъкидланди.

Чунинчи, республика аҳолисининг турмуш даражасини ошириш, бандликни таъ-

минлаш, меҳнаткашларнинг ижтимоий ҳимоясини янада кучайтириш соҳасида касабая уюшмалари ҳам фаол иштирок этиб, белгилаб олинган фаолиятнинг 11 та устувор йўналиши буйича тизимли ишлар амалга оширилди.

Ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоялаш, меҳнат муҳофазаси борасида кенг кўламли фаолият олиб борилди. Касабая уюшмалари томонидан жамоа шартномалари ва келишувлари орқали 278 минг нафардан зиёд аҳоли вакиллари қарийб 128,1 миллиард сўмлик кўмак берилди. Аъзолик афзалликлари юзасидан олиб борилган тарғибот-ташвиқот ва тушунтириш ишлари натижасида эса қарийб 30,6 мингта корхона ва ташкилотларда меҳнат қила-

ётган 162,1 минг нафардан зиёд ходимлар касабая уюшма аъзоллигига жалб этилиб, уларнинг ижтимоий ҳимояси таъминланди.

Раёсат йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг йиғирма беш йиллиги муносабати билан ҳар бир туман, шаҳарда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида коллеж битирувчилари учун 25 тадан иш ўринлари яратиб ҳамда “Кексаларни эъзозлаш йили” Давлат дастури ва Федерация Кенгаши тадбирлари дастурунинг бажарилиши яқунлари оид масалалар муҳокама қилинди.

Шунингдек, Ўзбекистон касабая уюшмалари Федерацияси тизимидаги ташкилотларда жисмоний ва юридик шахсларнинг муносабатларини кўриб чиқиш ҳамда юридик хизмат фаолиятини ташкил этиш ҳолати, тизимда туризм фаолиятининг самарадорлигини янада ошириш тўғрисидаги масалаларга ҳам эътибор қаратилди.

Кўрилган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

ЎЗ мухбиримиз

Раёсат йиғилиши ҳақида газетамизнинг навбатдаги сонидан батафсил танишишингиз мумкин.

Болалар спорти

Ниҳолларнинг тотли меваси

БОЗОР ОРАЛАБ

Жиянимиз бор. Бўйи бир қаричу, лекин футбол деса ўзини томдан ташлайди. Жамоаларнинг номланиши, футболчиларнинг исми-шарифлари ёд бўлиб кетган. Рақамларигача билади. Баъзан биз — катталар адашиб кетсак, тузатиб ҳам қўяди, хумпар! Яқинда шу жиянимизга

оёқ кийими (бутса) олиш учун бозорга тушдик. Расталарда қатор-қатор турган оёқ кийимларни кўриб, ҳайрон бўлиб қолдим. Сотувчилар унисини кўйиб, бунисини мақтади. Бири бириддан бежирим, чиройли. Ҳатто, болаларнинг ёши, имконият даражалари ямайвериш, қишлоқимиздаги Эшим этикдўзи ҳам безор бўлганди. Жавди-

экан. Хоҳлаганингизни имкониятга қараб танлаб олаверасиз. Хавасим келди...

Болалигимизда биз учун энг катта совға — копток ва тузуқроқ оёқ кийими эди. Тўни қаттиқроқ тепсанг, ё зўр бериб югурсанг, тўрт жойидан йиртилиб кетадиган бутсаларни ямайвериш, қишлоқимиздаги Эшим этикдўзи ҳам безор бўлганди. Жавди-



раб турганимизни кўриб, йўқ деб ўлмади. Қирқ ямоқ бутсаларда чанг стадионда тўп тепишимизга мухлислик қилиб ўтирарди. Қувончимиз этикдўзга ҳам юқарди, чаммамда.

»(4).

Ишлаб чиқариш корхоналарида

«Сайқал»нинг харидорлар маҳсулотлари

2000 йилда уч нафар ишчи билан иш бошлаган «Сайқал» савдо ишлаб чиқариш корхонасида ҳозирда 38 нафар ходим меҳнат қилади. Албатта, бу ташаббускорлик ва ишбилмандлик самараси. «Нуроний» жамғармаси вилоят бўлими бўётмасига асосан ногиронлик аравачаларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилган, фаолият янада кенгайди.

Фарғона шаҳридаги ягона, сайқалланган мрамр плиталар ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган корхонада ўтган йилда 8 мингдан зиёд ногиронлар аравачаси, 1,5 минг квадрат метр мрамр плиталар, 48 минг квадрат метр гидроизоляцияланган маҳсулот — «Узбент» ҳамда 75 минг тоннадан зиёд бетонит маҳсулотлари тайёрланди.

Корхона ижрочи директори Шавкатжон Мусаевнинг таъкидлашича, бу маҳсулотларга хорж давлатларида ҳам эҳтиёж бўлгани боис, экспорт қилиш чоралари кўрилмоқда.

Абдулхай ЮНУСОВ, «Ishonch» мухбири



Ютуқлар омили

>> 2



Роботларнинг ўрни ортмоқда

>> 3



Ёши улугларимиз эъзозда

>> 4

